

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти (10-дарс)

05:00 / 09.01.2017 3649

10-дарс

14-Матн:

Белларини текис тутган ҳолда, бошларини кўтариб ҳам, тушуриб ҳам юбормас эдилар

14-Матннинг далиллари:

أَنَّ تَدَحُّ دَدَسُمُ أَنْ تَدَحَّ وَ حَدَلَّ حَمُّ نُبُّ كَأَنَّ ضَلَّ مَصَاعٍ وَبِأَنَّ تَدَحَّ لَبَّ نَحُّ نُبُّ دَمَّحًا أَنْ تَدَحَّ- ١
دَمَّحُمُ يَنْزَبُ حَافًا - رَفَعَجَ نُبُّ يَنْعَى - دِيَمَحُّ لُذْبَعُ أَنْزَبُ حَافًا - لَأَقَّ دَمَّحًا أَثِي دَحَّ أَدَهَو - يَنْعَى
لِللَّوْسَرِ بَأَخْصَاءٍ نَمْرَةَ رَشَعِ يَفِي دِيَمَحُّ لُذْبَعُ لُذْبَعُ أَثِي دَمَّحُ أَبُ تَعَمَّسَ لَأَقَّ أَطَاعَ نُبُّ وَرَمَعُ نُبُّ
لُوسَرَةَ لَصَبُ مُمَّكُمُ لَعَا أَنْزَبُ دِيَمَحُّ وَبِأَنَّ لَأَقَّ دَدَاتِقُ وَبِأَنَّ مُمَّهَمَّ - مَلَسُو هِي لَلَّ يَلَّصَ -
هِي فَو هَلْ وَطَبَّ ثِي دَحَّ لَأَقَّ دَو... مَلَسُو هِي لَلَّ يَلَّصَ - لَلَّ

يَلَّعَ هِي تَحَّ أَرْغَضَ وَيُوعِ كَرِيٍّ مُمَّ هِي بِي كُنَّ مَأْمُوبَ يَدَاخِي يَتَحَّ هِي دِي غَفَرِيٍّ فَرَبُّ كَرِيٍّ
عَمَّسَ « لُوقِيٍّ فَو سَأَرُ غَفَرِيٍّ مُمَّ عُنُقِيٍّ أَلَّو هَسَأَرُ بَصِيٍّ أَلَّ فَو لَدَتُّ عِيٍّ مُمَّ هِي تَبُّ كَرِيٍّ
« لُوقِيٍّ مُمَّ أَلَّ دَتُّ عَمَّ هِي بِي كُنَّ مَأْمُوبَ يَدَاخِي يَتَحَّ هِي دِي غَفَرِيٍّ مُمَّ . « هَدَمَّحُ نَمَّ لَلَّ
هِي فَو... هِي بِي نَجُّ نَعَّ هِي دِي يَفَاخِيٍّ فَو ضَرَّ أَلَّ يَلَّ يَوَّ هِي مُمَّ . « رُبُّ كَرِيٍّ لَلَّ

-مَلَسُو هِي لَلَّ يَلَّصَ - يَلَّصِيٍّ نَأَكَّ أَدَكَّ هَتَقَدَّصَ أَوْلَأَقَّ

1. Муҳаммад ибн Амр ибн Атодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнта саҳобалари орасида Абу Ҳумайд Соъдий розияллоҳу анҳудан эшитдим. Абу Қатода ҳам улардан бири эди. Абу Ҳумайд: “Мен сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини таълим бераман”, деб узун ҳадисни зикр қилди. Унда жумладан қуйидагиларни айтди:

“Сўнг такбир айтиб, икки қўлларини кўкраклари баробаригача кўтардилар. Кейин рукуъ қилдилар ва икки қўлларини тиззаларига қўйдилар. Сўнг (белларини) тўғри тутиб, бошларини тушуриб ҳам, кўтариб ҳам юбормадилар. Кейин бошларини кўтариб: **“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”**, дедилар. Сўнгра ростланган ҳолда икки қўлларини кўкраклари баробаригача кўтардилар. Кейин: **“Аллоҳу Акбар”**, дедилар. Сўнгра (сажда учун) ерга йиқилдилар. (Саждада) икки қўллари билан биқинлари

عَجْرَافَ، كَيْلَعُو: مَلَسُو هَلَلَا يَلِصُّ بِنَلَا لِقَافٍ مَلَسُو هَلَلَا يَلِصُّ
 كَيْلَعُو: لِقَافٍ، هَلَلَعَمَلَسَفَءَاجَ مَثٌ، يَلِصْفَعَجَرَفَلَصُّتْ مَلَكْنِإِفَ يَلِصْفَ
 يَتَأَيُّ كَلْدَلُّكُ، أَثَالَتْ وَأَنْيَتَرَمَ (كَلْدَلَعَفَفَ)، لَصُّتْ مَلَكْنِإِفَ لَصْفَعَجَرَفَ
 مَلَسُو هَلَلَعَمَلَسَفَ بِنَلَا يَلِصُّ مَلَسُو هَلَلَا يَلِصُّ بِنَلَا
 لَصُّتْ مَلَكْنِإِفَ لَصْفَعَجَرَفَ، كَيْلَعُو: مَلَسُو هَلَلَعَمَلَسَفَ بِنَلَا لَوَقِيَفَ
 رَخَّأَيِفُ لُجْرَلَا لِقَافٍ، لَصُّيْ مَلُهُتَالَصُّفَخَّأَنَمَنَوَكِي نَأْمَهَلَعَرُبَّكُ وَسَانَلَا فَاخَفَ
 يَلِإِتْمُقُ إِذَا لَجَّ: لِقَافٍ، ئِطْخُأُوبِيصُّأُرَشَبَ أَنَأْمِنِإِفَ، يَنْمَلَعُو يَنْرَأَفَ: كَلْدَلْ
 الْإِوُ، أَرْقَافُ نَأْرُقُ كَعَمَنَاكُنِإِفَ، مَقَافٌ دَّهَشَتَتْ مَثٌ، هَلَلَا كَرَمَ أَمَكُ أَضَوَتَفَ ةَالَصَلَا
 دَجَسَا مَثٌ، أَمَّئِاقُ لَدَتْعَا مَثٌ، عَاكَارٌ نِئْمَطَافٌ عَكْرَا مَثٌ، هَلَلَعَمَلَسَفَ هَرَبَّكُ وَهَلَلَا دَمْحَافَ
 تَمَّتْ دَقِفَ كَلْدَلَعَفَفَ إِذَا فِ، مَقُ مَثٌ، اسَلَجَ نِئْمَطَافُ سَلَجَا مَثٌ، إِدْجَاسُ لَدَتْعَا فِ
 نَوَّهَ إِذْهَ نَاكُ: لِقَافٍ، كَتَالَصُّنَمَ تَصَقَّتْ نَأَيِّشُ هَنَمَ تَصَقَّتْ نَأِوُ، كَتَالَصُّ
 بَهَدَّتْ مَلَوَّهَتَالَصُّنَمَ تَصَقَّتْ نَأَيِّشُ كَلْدَلْ نَمَ صَقَّتْ نَأِوُ هَنَمَ لَوَّالَا نَمَ مَهَلَعُ
 "هَلُّكُ"

3. Руфоъа ибн Рофеъ розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг бир куни масжидда ўтирганларини ривоят қилади: “Биз у зот билан бирга эдик. Тўсатдан бадавийга ўхшаган бир киши келиб намоз ўқиди ва намозини енгил қилди. Сўнг бурилиб, Набий соллаллоху алайхи васалламга салом берди. Шунда Набий соллаллоху алайхи васаллам: **“Сенга ҳам (Аллоҳнинг саломи), қайт намоз ўқи, сен намоз ўқимадинг”**, дедилар. У қайтиб, намоз ўқиди. Кейин келиб, у зотга салом берди. **“Сенга ҳам (Аллоҳнинг саломи), қайт намоз ўқи, сен намоз ўқимадинг”**, деб (мана шуни) икки ёки уч марта айтдилар. Ҳар сафар Набий соллаллоху алайхи васалламнинг олдиларига келиб салом берар, Набий соллаллоху алайхи васаллам эса: **“Сенга ҳам (Аллоҳнинг саломи), қайт намоз ўқи, сен намоз ўқимадинг”**, дердилар. Одамлар хавотирга тушишди. Ким намозини енгил қилса у намоз ўқимаган бўлиши уларга оғир келди. Ҳалиги киши бунинг охирида: “Менга кўрсатинг ва таълим беринг, мен дарҳақиқат бир башарман, тўғри ҳам қиламан, хато ҳам”, деди. Шунда у зот: **“Тўғри, қачон намозга турсанг, Аллоҳ буюрганидек таҳорат қил сўнг ташаҳҳуд айт. Кейин яна тур. Агар ўзингда Қуръон бўлса (уни қироат қил), бўлмаса, Аллоҳга ҳамд, такбир ва таҳлил айт. Сўнг рукуъ қил, рукуъ ҳолда хотиржам бўл. Кейин қиём ҳолда тик тур. Сўнг сажда қил, сажда ҳолида ростлан. Кейин ўтир, ўтирган ҳолда хотиржам бўл. Сўнгра тур. Қачон шуларни бажарсанг, намозинг тугал бўлибди. Агар бундан бирор нарсага нуқсон етказсанг, намозингга нуқсон етказибсан”**, дедилар. Бу уларга аввалгидан кўра енгилроқ бўлди. Чунки ким мана шулардан бир нарсага нуқсон етказса, намозига нуқсон етказган бўлади. Унинг ҳаммаси (зое) кетган бўлмайдими”. Термизий ривоят қилган ва: “Руфоъанинг ҳадиси ҳасан ҳадисдир”, деган.

1/40.

Ушбу ҳадис рукнларда ростланиш ва хотиржам туришнинг вожиблигига далолат қилади. (Буни фикҳда “таъдилу аркон” дейилади). Намоз рукнларининг ҳар бирини мукаммал бажариш вожибдир. Агар рукнлардан бирор нарсани ездан чиқариб тарк қилса, унга саҳв саждаси вожиб бўлади. Агар қасддан тарк қилса ҳаромга яқин макруҳ бўлиб, ўша намозни кароҳиятсиз бўлиши учун қайтадан ўқиши лозим бўлади. Лекин бу билан намози бузилган дейилмайди.

→Ҳадиси шарифдаги Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Сен намоз ўқимадинг”**, деган сўзларини далил қилиб, баъзилар намоздаги рукнларда ростланиш ва хотиржам туришни фарз, рукнлари тўла бажарилмаган намоз йўқнинг ҳукмидадир. Йўқ эса ботилдир, дейишади.

Бунга қуйидагича жавоб берамиз:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Агар бундан бирор нарсага нуқсон етказсанг, намозингга нуқсон етказибсан”**, деган сўзлари билан нуқсонли намозни сифатладилар. Агар ботил бўлганида уни нуқсонли намоз деб номламасдилар. Шунингдек у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўғрисининг намозини ҳам бузулган намоз эмас, балки нуқсонли намоздан деб санаганлар. Шундан маълум бўлишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан қайта ўқишни талаб қилганлари, намозининг бузулгани учун эмас, балки нуқсонсиз, кароҳиятсиз бўлиши учун эди. Саҳоба розияллоҳу анҳумлар ҳам шундай тушунишди. Демак у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Сен намоз ўқимадинг”**, деган сўзларини хатосиз, мукаммал намоз ўқимадинг, деган маънога ҳамл қилиш лозим бўлади. Яъни унинг намози ажри ва савоби мукаммал бўлган намоз эмас, балки нуқсонли намоз бўлди...

15-Матн:

Ва уч марта “Субҳана Роббиял Азийм”, дердилар. Энг ками шунча бўларди.

15-Матннинг далиллари:

: لاق شمعالا نع هبعش انابنأ لاق دواد وبأ انثدح نال يغ نب دومحم انثدح-١
هنأ " : ةف يدح نع رفز نب ةلص نع " دروتسملا نع ثدحي ةديبع نب دعس تغمس
يبر ناحبس : هعوكري ف لوقي ناكف ، ملسو هيلع لال لصل يبنلا عم لصل
نسح ثيدح اذهو يسيع وبأ لاق ... لعالا يبر ناحبس - : هوجس يفو ، ميظعالا

Бу ҳадислардаги зикрларни нафл намозларда айтганлар. Агар фарз намозларда ҳам айтганлар дейилса, бу нодир ҳолларда бўлганига ҳамл қилинади.